Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши.
9 ДЕКАБРЬ 1969 й.
СЕШАНБА
№ 287 (1048).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТАДБИРКОРЛИК ВА САМАРА

Тадбиркорлик билан иш кўриш ҳар бир муваффақиятнинг гарови ҳисобланади. Қайси бир корхона ёки ташкилотда кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиб иш кўрилса, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати тўхтовсиз яхшиланиб боради. Шунинг учун ҳам 4-қурилиш трестига қарашли тўртинчи бошқарма партия ташкилоти бу муҳим ишга кейинги вақтларда алоҳида аҳамият берадиган бўлди.

Бошқарма коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида асосан меҳнат ва интизом масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Кадрлар бўйича катта инспектор Ўртоқ П. Қосимова ўз докладида ишлаб чиқариш маданияти яхшиланиб борилаётганлигини қайд қилиб ўтди. Нотиқ бошқармада ғалага ошириладиган ибратли ишлар билан бирга меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида айрим камчиликлар борлигини, уни тезда тузатиш чоралари ҳақида гапирди. Бошқарма партия ташкилоти ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш каби масалаларда кадрлар бўлимига етарлича ёрдам кўрсатмаётир. Ишчиларга ишлаб чиқариш маданиятини бутун чоралар билан яхшилаш учун зарур шароит яратиб беришда коммунистларнинг авангардлиги сезиларли бўлмаётир.

Коммунистлар участкаларда иш олиб бораётган бинокорларнинг аҳволидан камдан-кам хабар оладилар. Бу эса прорablар, бригада бошлиқлари ва уста-мастерларни ўз зиммаларига топширилган вазифага садоқат билан муносабатда бўлишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ишга сабабсиз келмасдан қолувчиларга қарши шафқатсиз нураш олиб борилмайди.

Бошқарма партия ташкилоти коммунистларининг бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган қарорда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг кўнгилдагидек эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек қарорда бинокорлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш ва меҳнат интизоми масаласини тўғри йўлга қўйиш юзасидан коммунистлар ўртага ташлаган қимматли таклифлардан тадбирлар ҳам ўз ифодасини топди.



Тошкент Медицина институтининг студентлари Сирдарё область Ильич районидаги 6-совхоз пахтакорларига теримда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТДА: кунига нормаларидан ошириб «оқ олтин» тўкаётган даволаш факультетининг 1-курс студентлари Ш. Раҳмонова ва М. Тожиевалар. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

● *Тошкентликлар пахта далаларида*

ШИФОКОРЛАР ҲИССАСИ

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари халқ саломатлигини сақлаш билан бир қаторда Сирдарё область, Еттисой районидаги «Красная звезда» совхозида фидокорона меҳнат қилишяпти. Ҳозиргача шифокорлар эл хирмонига 180 тоннадан зиёд пахта тўкдилар.

Пиғим-теримда чинакам ғайрат билан меҳнат қилаётган болалар касалхонасининг ҳамширалариданШ. Тиллахўжаева, С. Зиёмуҳамедова, 6-болалар поликлиникасидан М. Саидазимова, район санитария маориф уйининг инструктори А. Пўлатов ва бошқалар кунига 150-200 килограммдан ошириб кўсак термоқдалар.

БИР КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

Намуна

Миллий нонлар комбинатининг меҳнатсевар коллективи ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ажойиб меҳнат зафарларини қўлмоқда. Корхонанинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этмоқда. Ўн бир ойлик ишлаб чиқариш планини 13 ноябрда бажариб, пландан ташқари 1120 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган коллектив аъзолари шу кунларда декабрь ойи топшириғини муддатидан илгари адо этиш учун курашмоқда.

Корхона аҳли йиллик пландан ташқари 190 минг сўмлик —1130 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган.

Ойлик, квартал ишлаб чиқариш планларини бажаришда Ў. Оқилова, Р. Азизовлар бошлиқ етакчи бригадалар илғорликни қўлдан бермай астойдил ишлаб бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Янгилик самараси

Комбинат тандир цехини газлаштириш, қувончли воқеалардан бўлди. Эндиликда цехдаги тўртта тандир газ билан қиздирилади. Илгари бир тандирни қиздириш учун ярим тонна кўмир кетар ва бунга 3 соатча вақт сарф бўларди. Энди бунга барҳам берилди. 10 минут ичида 4 та тандирдан 160 та нон узилди. Бу газли тандирларда патир, байрам нон, ширмойи, тўй нони ва ёғли патир каби маҳсулотлар пиширилмоқда.

Қизиқарли суҳбатлар

Корхона партия ташкилоти ташаббуси билан ишчи ва хизматчиларнинг сиёсий онгини ошириш мақсадида тўгарак ишлаб турибти. Тўгарак уч группадан иборат бўлиб, унинг машғулотларида коммунистлар, илғор ишчилар, смена мастерларидан 52 киши мунтазам қатнашиб келмоқда.

Тўгарак планига доҳий В. И. Ленин биографиясини, КПСС XXIII съезди қарорларини чуқур ўрганиш ва ташкилий ишлар киритилган. Пропагандистлардан М. Аҳмедов, А. Баҳобовлар тўгаракда қизиқарли суҳбатлар олиб боришмоқдалар.

А. ҲОЖИХОНОВ,
ишчи-мухбир.



Ленин орденли «Главмосстрой» қурувчилари янги Тошкентни бунёд этишда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТДА: 177-қурилиш бошқармасининг зарбдор бинокорларидан (чапдан ўнгга) прораб А. Цинкова ва пардозчи З. Ротова ўртоқлар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси

● ЎЗБЕК ҚИЗИ ОВОЗИ

ЯПОНИЯ ТААССУРОТЛАРИ

Яқинда чет мамлакатлар билан дўстлик, маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамиятининг йўлланмаси билан республика хотин-қизлар делегацияси Японияда бўлди. Делегация кўп-кеча марокли сафардан қайтиб келди. Делегация бошлиғи, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссия раиси Мамлакат ВОСИҚОВА сафар таассуротлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз ўзбек аёлларининг бу мамлакатга боришимиздан мақсад — япон халқининг бугунги ҳаёти билан танишиш, уларга ўзбек аёлларининг бахтли турмуши ҳақида гапириб бериш эди. Японияннинг бир неча жойларида бўлган дўстона учрашувларда япон аёллари Ўзбекистон ҳақида жуда кўп саволлар беришди. Эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, аёлларнинг билим олиши, давлат ишларида иштироки, болали оналарга нафақа тўлаш, бепул медицина хизмати ҳақида сўрашди. Биз уларга мисоллар асосида гапириб бердик. Делегация аъзоларидан Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Йўлдошева, Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, Умри Ҳасановалар ўзбек хотин-қизларининг ёрқин турмуш кечираётганлигига мисол бўлаолади.

Японияда эса аёлларга муносабат тамомила бошқача албатта. У ерда аёлларнинг туғруқхонада кўз ёриши учун пул тўланади. Бирор операция ҳам пул орқали амалга ошади. Аёллар ҳамма жойларда эркаклардан кам ҳақ оладилар.

Биз Токиода бўлган кунларимизда халқнинг адолатли талаблар билан намойишга чиққанларини кўрдик. Кўчалар майдонлар, чорраҳалар, хиёбонлар намойишчилар билан тўлган. Ҳамма қўлида шиор, транспарантлар ушлаган ҳолда ҳукумат биноси томон йўл олялти. Уша кунлари Япония бош министрининг Америка Кўшма Штатларига боришига қарши умумхалқ норозилик намойишлари кучайиб кетди.

Хиросима шаҳрида ҳам бўлдик. Бу шаҳар ҳам оғир ва даҳшатли воқеаларни бошидан кечирган. 1945 йилда АҚШ империалистлари инсониятга офат келтирувчи атом куролини шаҳарга ташлаган эди. Орадан йиллар ўтиб, шаҳар қиёфаси ўзгарган бўлса ҳам аҳоли ҳамон қайғу билан ҳасрат домида яшамоқда. Атом портлашининг оқибатида бир умрга хасталанган кишилар ўша даҳшатнинг азобларини тортмоқдалар. Нур касаллигига мубтало бўлган беморларнинг касалхонасида бўлганимизда бизга кўпгина аянчли воқеаларни гапириб беришди. Касалхонада ўша вақтдан бери азобланаётганларни кўриб, ниҳоятда ачиндик. Палаталар беморларга тўла. Хасталарнинг азобланиб, ўлиб туриши давом этмоқда.

Токиода япон-совет аҳолиси жуда ҳам оғир ва даҳшатли воқеаларни бошидан кечирган. 1945 йилда АҚШ империалистлари инсониятга офат келтирувчи атом куролини шаҳарга ташлаган эди. Орадан йиллар ўтиб, шаҳар қиёфаси ўзгарган бўлса ҳам аҳоли ҳамон қайғу билан ҳасрат домида яшамоқда. Атом портлашининг оқибатида бир умрга хасталанган кишилар ўша даҳшатнинг азобларини тортмоқдалар. Нур касаллигига мубтало бўлган беморларнинг касалхонасида бўлганимизда бизга кўпгина аянчли воқеаларни гапириб бердилар

Юбилей вахтасида



Ўзбекистон трактор йиғув заводининг коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилида ўз зиммасига юксак мажбуриятлар олган.

Ленинча меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилаётган корхона ишчилари декабрь ойида 1900 дан ортиқ универсаль трактор тайёрлаб беришга аҳд қилганлар. Шу кунларда корхонанинг барча цех ва участкаларида олинган топшириқни муваффақиятли бажариш учун соцпалистик мусобақа қизитилянти. Бу мусобақада тайёр маҳсулотларни созлаш участкасининг бир группа нешқадам ишчилари намуна кўрсатишмоқда. Ушбу суратда коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларидан (чапдан ўнгга) Н. Попов, В. Свистунов ва М. Турғуновлар ҳиммат кўрсатиб ишламоқдалар.

М. Нуриддинов
фотоси.

ИШЧИ НОМИ-УЛУҒ НОМ

Аҳдга вафо

О. Воеводина меҳнат бахтини топганлардан. Чорак асрдирки, у ишчи номини эъзозлаб келяпти. Ҳалол меҳнати билан коллектив шуҳратига кўшаётган, ишчилар ҳурматига сазовор бўлганлардан.

— Ольга Дмитриевна бизнинг қаттиқ қўл устозимиз, меҳрибон опамиз, — дейди штамповкачи Ҳалил Ортиқбоев. — Мен заводга фақат назарий билим билан келгандим. Ольга Дмитриевнага шогирд тушдим. Хотин-қизлар билан унча чиқиша олмайман, бу ёғи нима бўларкан, деб турсам:

—Ҳа, йигитча, жононингиз хаёлингизни олиб қочдими, ўйчан кўринасиз, — деб қолди устозим табассум билан. Кейин дастгоҳи ёнига бориб, иш жараёнлари билан мени таништира кетди.

— Мана бу ричагни боссангиз штамповка юкни ерга босади. Эҳтиёт бўлинг! Чунки, дастгоҳ юқори даражали босим билан ишлайди. Қўлингиз илиниб қолса, ундан умидингизни узаверинг. Қанчалик эҳтиёткор л и к б и л а н и л д а м ишласангиз, ишингиз шунчалик юришаверади. Энг муҳими иш вақтида эътиборни бўлмаслик, ўзга фикрларни хаёлга келтирмаслик керак. Чунки, бу иш уни бажарувчилардан шундай масъулиятни талаб этади.

Ҳалил устози маслаҳатига амал қилиб, хунар-техника билим юртида олган назарий билимини амалий иш билан мустаҳкамлади.

— Менинг завод остонасига биринчи қадам қўйган пайтимни кўз олдингизга келтирсангиз эди, — деди бир куни Ольга Воеводина. — Улуғ Ватан уруши йиллари эди. Ўн тўрт ёшимда бу ерга келгандим, жуда совуқ эди. Ишчилар кам, эгасиз қолган дастгоҳлар сокин турарди. Ҳа, ҳамма ишчи йигитлар урушга жўнаб кетганди. Ватан учун эса электр асбоб-ускуналари сув билан ҳаводек зарур эди.

Ўша йилларда республикамизда энг улкан Фарҳод ГЭСи қурилиши тамомланаётганди. Фарҳод ГЭСи ва Бўзсув электростанциясини етарли асбоб-анжомлар билан таъминлашнинг асосий қисми эндигина иш бошлаган бизнинг завод зиммасига юкланганди.

У пайтда сменада 10-12 соатлаб ишлашимизга тўғри келарди. Бунинг устига эски дастгоҳлар бузилиб, соатлаб иш тўхтаб қоларди. Ҳозир ги ишчи-ёшларнинг иш соати кам бўлиши билан улар билим ва ҳунар эгаллашлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Чорак асрдан ортиқроқ вақтдан буён Тошкент электротехника заводида штамповкачи бўлиб ишлаб келаётган Ольга Дмитриевна Воеводина гапларидан Халил таъсирланди.

Корхона ишчилари қўли билан тайёрланаётган турли хил электр асбоб-ускуналари Ильич нурларини узоқ чўлдардаги посёлкаларга, улкан шаҳарларга меҳнаткашларнинг хонадонларига етказмоқда.

Ўртоқ О. Д. Воеводина ўз касбини севиш билан бирга, уни ёшларга қунт билан ўргатаётир. Штамповка цехидаги илғорлар қаторидан ўрин олиб келаётган Халил Ортиқбоев, Сергей Самсонов каби ўнлаб ёшлар Ольга Дмитриевнадан касб ўрганишган.

Севган касбида садоқат билан ишлаб келаётган Ольга Воеводинанинг кўп йиллик хизматлари «Меҳнатда ўрнак курсатганлиги учун» медали ва бир неча фахрий ёрлиқлар билан тақдирлан г а н. У Ленин район Советининг депутати, савдо ва маиший хизмат доимий комиссиясининг аъзоси.

— Ленинча меҳнат вахтасида турган ветеран аёл беш йилликнинг тўртинчи йил топшириқларини 7 ноябрга қадар бажариш мажбуриятини олган эди. У аҳдига вафо қилди.

А. ҚУРБОНОВ.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

МУСОБАҚАНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Тошкент экскаватор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари барча қатори доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида ўзаро соцпалистик мусобақани тобора кенг кўлоч ёйдирмоқдалар. Мусобақанинг қудратли кучи билан корхонада экскаваторлар ишлаб чиқариш ой сайин кўпайиб бормоқда. Бу ҳақда завод касаба союзи комитетининг раиси А. СЁМИН шундай ҳикоя қилади:

— Беш йилликнинг тўртинчи йили корхонамиз тарихи варақаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади. Ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз бу йил экскаваторнинг янги маркасини оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришдилар. Конструкторларимиз икки йиллик ижодий меҳнатдан сўнг «Э-304А» маркали экскаваторни модернизация қилиб, ҳар жиҳатдан қулай ва унумли бўлган «Э-304В» маркали машиналар чизмасини ишчилар кўлига топширдилар.

Конструкторлар янги хил экскаватор яратар эканлар, улар аввало куну-тун, қишин-ёзин ишлайдиган машинист учун ҳар томонлама қулайлик яратиб беришни кўпроқ ўйладилар. Маълумки, илгариги экскаваторлар ричаглар воситаси билан бошқарилади. Бу — машинистдан ортиқча куч ва ҳаракат талаб этарди. Янги хил машинани бошқарган киши энди ҳеч қийналмайди. Пневматик мосламалар машинист «бўюрган» ишни бажараверади.

Машинист учун яна бир қулайлик шундан иборатки, модернизация қилинган экскаваторнинг кабинаси ойнавандли, эшиклидир. Чанг-тўзон энди ҳайдовчи учун хавфли эмас.

Коллективимиз янги хил машиналардан бу йил мингта тайёрлаб бююртмачиларга жўнатиши керак. Модернизация қилинган экскаваторларнинг дастлабкилари аллақачон ўз эгаларига бориб теккан. Фойдаланувчилар машинанинг ишидан бағоят хурсанддирлар.

— Янги хил экскаваторлардан кўпроқ ишлаб чиқариш юзасидан бошланган соцпалистик мусобақа қандай натижалар беряпти?

— Аввало шуни айтиш керакки, мусобақанинг қудратли тўлқини барча цехлар бўйлаб мавж уряпти. Айниқса коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номи учун кураш самарали натижалар беряпти. Заводимизнинг 51 кишилик марказий лабораторияси биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи номига сазовор бўлди.

Қуюв цехида ишлаётган ишчилардан 180 киши коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилган. 28 киши ҳозироқ коммунистик меҳнат зарбдори номига эга бўлган. 1-механика цехида меҳнат қилаётганлардан 71 кишининг кўксида ҳам зарбдорлик нишони порлаб турибди. Умумен олганда, корхонамиз бўйича 216 кишига коммунистик меҳнат зарбдори, ўз сафига 276 кишини бирлаштирган 47 бригадага эса коммунистик меҳнат коллективи деган фахрли ном берилган. Р. Йўлдошев, В. Слинко, Н. Володин ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари коммунистчасига яшаш ва меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Биздаги бригадаларнинг ҳаммаси бир-бири билан мусобақадошдир. Айни пайтда шахсий мажбуриятлар қабул қилган ҳолда мусобақалашаётган токарь ва слесарлар, йиғувчи ва созловчилар ҳам оз эмас. Коллективлараро мусобақада ҳозир асбобсозлик цехи биринчи ўринда келаяпти. Цех аъзолари завод кўчма Қизил байроғини қўлда маҳкам сақлаб турибдилар.

— Корхонанинг истиқболи қандай!

— Истиқболимиз яна ҳам порлоқ. Шу кеча-кундузда завод территориясида катта қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Яқин келгусида 9-қурилиш трести бинокорлари қўли билан қад кўтараётган 10 минг квадрат метрлик ишлаб чиқариш майдонига эга бўлган улкан корпус фойдаланишга топширилади. Механика ва йиғув цехлари, конвейер линиялар мана шу янги корпусга жойлашади. Бундан ташқари, Зангиотада заводимизнинг улкан филиали бунёд этилади. Янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобига келгуси беш йиллик бошларидан экскаваторлар тайёрлаш бир неча баравар кўпаяди.

ЁШЛАР МАНЗИЛГОҲИ

НАВҚИРОН ёшлик чоғингиз. Бу оқшом бўш вақтингизни қандай ўтказишни билмай ўйланиб ўтирибсиз. Табиатингиз кино-театрга тушишни ҳам, «Билим» уйида бўладиган кулги кечасида қатнашишни ҳам ёқтиқратмай турибди. Шу пайт ёдингизга лип этиб Ёшлар уйи тушади-ю, йўқотганингиз топилгандек, чеҳрангиз ёришиб кетади. Ахир сиз бу ерда кўнглингиз хушлаган машғулотни топа оласиз-да!

Салгина илгарилаб кетганимиз учун узр, газетхон. Ун уч қаватли Ёшлар уйи «Пахтакор» стадиони биқинида жадал суръатлар билан қурилмоқда. У 1970 йили битказилиб, ёшларга совға қилинади.

...Ер қаъридан «униб» чиққан пўлат-бетон стунлар елкасида ўрнатилган улкан тош палла кема қуйруғини эслатади. Сўлим бинонинг пастида романтикага ўч ёшларнинг табиати, орзу-интилишлари ва кайфиятининг рамзи шундоққина сезилиб турибди.

Қурилиши битмаган Ёшлар уйи ҳозирданоқ жозибадор, салобатли.

Бино пештоқида илинган сархатда «Тўхта, юқори кучланиш, монтаж кетяпти!» деган огоҳлантирувчи сўзлар ёзилган. Пиллапоялардан 13-қаватга кўтариламиз. Ёшлар уйини II «Висотстрой» трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг монтажчилари тиклаяпти.

Объект прораби А. П. Тенебаумни монтажчи йигитлар орасида учратдик. У темир-бетон устунларни тўғри ва аниқ ўрнатишда монтажчиларга кўмаклашарди. Аркадий эрталаб монтажчилар қатори юқори қаватга кўтарилади, улар қатори тарк этади иш жойини. Вазифанинг жиддийлиги Тошкент транспорт инженерлари институтини битириб чиққан ёш прорабга фахрланиш билан бирга катта масъулият ҳам юклайди.

— Ўзингиз биласиз, ёғингарчилик монтаж ишларини қийинлаштириб юборади. Фурсат ғаниматмиз. Намгарчилик бошлангунча сўнгги 13-қаватни ҳам кўлдан чиқариб олиш учун икки сменада жавлон уряпмиз, — дейди у.

Атрофга назар ташлаб на битта ғишт ва на бетон қолдиғини учратасиз. Ичи гавак-гавак қилиб қўйилган том плиталари-ю, икки учида билакдек йўғон темир учлари чиқиб турган темир-бетон устунларни учратасиз, холос. Бино сурункасига йиғма темир-бетон буюмларидан қурилади. Владимир Бабин, Вячеслав Айдашев, Тоҳир Абдурахмоновлар учқунлар таратиб устунларни пайванд қилишмоқда. Фақат электродларни алмаштириш пайтидагина улар ниқобларини кўтарадилар. Бино пойдевори қурилишидан бошлаб ишлаб келаётган бу азаматлар кундалик иш нормаларини 120—130 процентга етказиб ўринлатмоқдалар.

Ёшлар уйини тиклаш учун қулай жой танланган. Бу ердан туриб теварак атрофни мириқиб томоша қилиш мумкин. Кўкаламзорлаштирилган серфайз Тошкент бутун латофати билан кўз ўнгингизда намоён бўлиб туради.

Ёшлар уйи ҳозирча фақат Комсомольск шаҳрида ишлаб турибди. Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Тбилиси, Рига, Ереван шаҳарларида у биринчи марта қурилмоқда. Тошкент Ёшлар уйи кўркамлиги, қиёфасининг оригинал кашф қилиниши билан бошқа шаҳардагилардан қолишмайди. Унинг лойиҳаси устида «Узгоспроект» институтининг талантли ёш архитектори Р. В. Блез бошчилигидаги меъморлар группаси самарали меҳнат қилган.

Ёшлар фойдали машғулотлар билан банд бўлиб кўнгил ёзишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. 300 ўринли қаҳвахона, 18х36 квадрат метр спорт, 250 ўринли танца залари, турли мақсадлар учун мўлжалланган 850 ўринли катта зал, шунингдек, кино, концерт, эксперименталь театр, мажлислар заллари мавжуд бўлади. 350 ўринли меҳмонхона тепасида ҳам қишда, ҳам ёзда ишлайдиган чойхона бўлади.

Ёшлар уйи ҳузурида ҳаваскорлар киностудияси, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ва бошқа студиялар, ДОСААФ ва спорт клублари, адабиётчилар, математиклар ва меъморлар тўгараги учун хоналар, таълим-тарбия мақсадлари учун мўлжалланган аудиториялар, 40 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона, юз ўринли қироатхона — ҳаммаҳаммаси ёшларнинг ихтиёрига бериб қўйилади. Хоналарни тасвирий санъат ва ўймакорлик нақшлари билан безашда республикамизнинг таниқли рассомлари, ўймакор, рихтагорлари жалб қилинди.

Наврўзгоҳ даргоҳи олдида фонтан, гулзор барпо этилади. Сузиш ҳавзаси, волейбол, теннис майдончалари қурилади. У бахтли ёшларни ғоявий чиниққан, жисмоний соғлом, фикран теран коммунизм қурувчилари қилиб тарбиялаб ҳаётга узатадиган катта сиёсий-тарбиявий маскан бўлиб қолади.

Б. ҚАҲҲОРОВ.



Муҳаббат Миралиева билан Рихси Маҳмудова чинни заводининг зарбдорларидан ҳисобланишади. Бу икки меҳнатсевар қиз шу кунларда 1970 йил ҳисобига ишламоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) М. Миралиева ва Р. Маҳмудова тайёр маҳсулотни саралаш пайтида.

Ж. Раззоқов фотоси.

● *Бахтимиз учун курашганлар*

ЭЛ ФАРЗАНДИ



Мен Рўзибоқиев билан 1919 йилнинг июль ойида у Тошкентга келиб, уйғур секциясида ишлай бошлаганида танишган эдим. Ўшанда у ҳали катта тажриба ва илм эгаси бўлмаса ҳам Туркистон Республикасининг масъул вазифаларида турган П. А Кобозев, Т. Рисқулов, А. Собькин, Н. Ҳўжаев, А. Раҳимбоев, С. Турсунхўжаев ва А. Авлоний, М. Р. Мусахонов, Ю. Аллев каби тажрибали раҳбарлар билан бирга ишлашди. Сиёсий-иқтисодий ва бадиий адабиётларни тинмай ўқиб борди. Шунинг натижасида, тезда унинг тажрибаси бойиди ва дунёқараши кенгайди.

Туркистон республикаси Советларининг VIII ва Ўлка партия комитетининг IV фавқулодда съездларида мусулмон партия ташкилотларининг II ўлка партия конференциясида ҳамда партия аъзоларининг бошқа мажлисларида қатнашди. Мана шу пайтларда Советлар Туркистони ҳар ёқдан қилинаётган ҳамла ҳалқаси ичида яшар эди. Озиқ-овқат, хўжалик, ер-сув, маориф масалаларини ҳал қилиш, партия ва совет ишларини яхши йўлга қўйиш, босмачиларнинг қўпорувчилик ҳаракатларига қарши курашиш, ички урушни ва контрреволюцияни тугатиш, қизил қўшин тузиб мамлакатни мудофаа қилиш энг муҳим ҳаётий масалалар ҳисобланарди.

Мана шундай мураккаб масалаларни ҳал этишда Туркистон коммунистлари сафида турган Рўзибоқиев ҳам озмунча жонбозлик кўрсатмади. У Туркистонда грабданлар урушининг қаҳрамони, Отлиқ мусулмон дивизиясининг командири, III Интернационал аъзоси эди.

Абдулланинг сабот ва матонати, серҳаракатлиги, содда ва камтарлиги, сиёсий ва ижтимоий масалалардаги билими ҳар бир масалани тез ўзлаштириб ола билиши кишилар эътиборини ўзига дарров жалб этар эди. У шу фазилатлари туфайли партия ячейкасидан бошлаб Туркистон Марказий Ижроқоми ва Туркистон ўлка партия комитети сингари олий партия ва совет органларига аъзо қилиб сайланди. Бироз муддатдан сўнг у СССР Олий Совети Миллатлар Совети раисининг ўринбосари каби энг юқори лавозимларда ишлади.

Хуллас, Абдулла Рўзибоқиев Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига, Туркистонда, Қозоғистонда ва Қирғизистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлади.

Бу сўнмас сиймо ўз ақлидроки ва революцион жасорати билан авлод-авлодларга мангу ўрнакдир.

Лазиз АЗИЗЗОДА,
Ўзбекистон Фанлар академияси А. Беруний номидаги шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ПЕНСИОНЕРЛАР ТАЛАБИ

Октябрь районининг «Бешқайрағоч» массивидаги Фурқат номли маҳалла пенсионерлари ва активларининг ибрат олса арзигули ишлари кўп. Улар мактаб қурилиши, йўл қурилиши, гузарларни чароғон қилиш, водопровод тармоқларини кенгайтириш ишларида актив иштирок этиб келишмоқда.

Пенсионерла р д а н Х. Турсунхўжаев, М. Маҳмудов, А. Риҳсиев, Абдулла е в, Қамбаров, М. Дадамуҳаммедов, Ғ. Худайберганов, Д. Ғиёсова, Муротбоев, Қ. Йўлдошев ва бошқалар гузардаги бўш жарликларни текислаб, ғишт қуйишди, ёғоч, тахта тўпладилар. Жамоатчилик асосида 100 ўринли қизил чойхона, 50—60 ўринли клуб биноларини тиклаб олишди. Клуб қошидаги кутубхонада ўқитувчилар ва студентлар ёрдамида Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Қизил чойхонада қарилар учун алоҳида жой ажратилган. Газета ва журналлар қўйилган.

Энди клуб, қироатхона, қизил чойхонани яхши жиҳозлаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Район маданият бўлими (бошлиғи Ўрток Сулаймонов) ва Октябрь район ошхоналар трести ана шу жамоатчилик йўли билан ишлай бошлаган маданий оқартув муассасаларини жиҳозлашда ёрдам беришларини сўраймиз.

Т. НАЖМИЙ,
пенсионер.

Жонажон республикамизда

СЪЕЗДДАН ТЎҒРИ ТРАКТОРГА

УРГАНЧ. Урганч район Охунбобоев номли колхознинг тракторчиси Холжон Бобожонова Хоразмнинг энг кекса механизаторларидан бири. Унинг учун бирорта куз бу йилги сингари ғоят қувончли бўлмаган эди. Холжон Бобожонова бу йил кузда колхозчилар Бутуниттифоқ съездида қатнашиб, жонажон колхозига асло унутиб бўлмас таассуротларга тўлиб-тошган ҳолда қайтди.

— Съезддаги вазият шундай эдики, бамисоли бир ота билан онанинг фарзандлари йиғилгандек эди, деб ҳикоя қилиб берди у ҳамкишлоқларига. Холжон кўпгина делегатлар билан қаттиқ қўл олишиб кўришди. Чехословакиялик ўртоқлар кўкрагида Ленин ордени ярқираб турган хоразмлик бу аёл билан қизиқиб суҳбатлашдилар.

— Ўзбекистон, Хоразм эшитганмисиз? —деб сўрарди Бобожонова:

—Ҳа, ҳа, «Сизнинг пахтангиздан оламиз», Дўстлик, — деб жавоб қайтаришарди меҳмонлар.

— Биз ҳаммамиз бахтиёрмиз, — деди Холжон. Колхознинг янги намунавий устави коммунизмга кенг йўл очиб беради.

Хўжалик раҳбарлари делегатнинг съезд қарорларидан келиб чиқадиган бир қанча таклифларини ҳозироқ муҳокама қилиб чиқдилар. Яқин икки йил мобайнида алмашлаб экишни жорий этиш мўлжалланмоқда. Экин майдони кенгайтирилади. Суғориладиган карталар яхлитлаштирилади. Келгуси йили иккита обод янги посёлкадан бирида маиший комбинат қурилади.

Бобожонова Москвадан колхозга қайтиб келгунча пахта тайёрлаш давлат плани бажариб кўйилган эди. 1130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтарилди. Лекин далада пахта бор. Гектаридан яна 5 центнердан ҳосил топширишга етади. Съезд делегати ҳам шу мажбуриятни бажаришга киришиб кетди. Бобожонова тракторини юргизди. [ЎзТАГ].

ДАЛАЛАР ДОРИСИ

Ўзбекистондаги область зонал агрохимия лабораториялари колхоз ва совхозлар учун картограммалар тузишнинг иккинчи босқичига киришдилар. Бу иш республикада бундан тўрт йил муқаддам бошланган эди. Шундан буён суғориладиган майдонларнинг қарийб икки миллион гектари текшириб чиқилди, тупроқда қанча фосфор ва калий борлигини аниқлаш учун кўп марта текшириш ўтказилди.


Колхозлар билан совхозларга одатда иккита қўлланма топширилади. Бу — тупроқдаги фосфор ва калий таркиби ёзиб қўйиладиган қўлланмадир. Айрим хўжаликларга эса учинчи қўлланма ҳам берилади. Бу қўлланмага мувофиқ, тупроқнинг қай даражада шўрҳоклиги аниқланади.

(ЎзТАГ).

ДАШТДА ЎРМОН КЎЧАТЛАРИ

ҚАРШИ. Қашқадарё областининг ўрмончилари ғалла ва пахта майдонларини гармселдан ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек тўпроқнинг шамолдан нураб кетишига қарши курашиш учун ўрмон-ихота дарахтлари ўтказишга киришдилар. Охунбобоев номли, «Кўкдала», Карл Маркс номли совхозларнинг кузги экинзорлари атрофига беш қаторлаб кўчат ўтказилмоқда. Механизаторлар қайрагоч, лўх, эман дарахтларини ва шу сингари бошқа қимматли дарахтларни агрегатлар ёрдамида ўтказмоқдалар. Далаларда ўрмон барпо қилиш қашқадарёликлар учун янги иш. Ҳозирча 2 минг гектар майдонга кўмкўк дарахтлар ўтказилган. Келгуси йил кўкламига келиб буларнинг ҳаммаси баравар ортади.

(ЎзТАГ).



Самарқанд кўн заводи ишлаб чиқараётган кўн ва чарм маҳсулотларидан республикамиздаги барча пойафзал фабрикаларида сифатли пойафзаллар тайёрланади.

СУРАТДА: шу корхона лак цехининг пешқадам мастери Шоди Ҳалилов тайёр маҳсулотни кўздан кечираётир.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ЁРДАМЧИСИ

БУХОРО. «Узсельхозтехника» Бухоро область бирлашмасида янги қурилиш-монтаж бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқарма чорвачилик фермаларини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштиришга ихтисослаштирилмоқда. Бу ташкилот колхоз нефть базаларини ҳам қуради ҳамда уларнинг жиҳозларини ўрнатади ва созлайди. Бу янги бошқарма қишлоқ меҳнатчиларининг ишончли ёрдамчиси бўлиб қолади. Чунки у ҳозирги замон техникаси билан қуролланган. Бухоро яқинида ишлаб чиқариш базаси ҳам ташкил этилди.

(ЎзТАГ).

ХОРАЗМ КАНАЛЛАРИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

УРГАНЧ. Туямўйин гидроузели ҳали қоғозларда чизиб қўйилган бўлса ҳам, Хоразм пахтакорлари лойиҳалаб қўйилган ана шу денгизга тўпланадиган миллиард-миллиард кубометр сувни ишнинг кўзини билиб тақсимлаш тараддудини кўрмоқдалар. Хоразм воҳасидаги қадимий суғориш шохобчаларини тубдан реконструкция қилишга киришилди. Бу соҳада областдаги энг йирик Ҳазорасп районида пешқадамлик қилмоқда. Ана шу район территориясидан Туямўйин канали ўтади.

1971 йилда Ҳазорасп канали ишга туширилгандан кейин 12 минг гектардан зиёдроқ сероҳосил ер оқар сув билан суғоришга кўчирилади, — деди суғориш системалари область бошқармасининг бош инженери К. Ҳалимбетов. Илгари бу ерлар машинада сув чиқарилиб суғорилганидан қиммат-га тушарди. Ҳаётбахш сувнинг нобуд бўлишига ниҳоят чек қўйилади.

ҲАЁТ ВА КУЗАТУВЧАНЛИК

ҲАВАСКОРЛАР ҲИКОЯЛАРИНИ ЎҚИБ

Баъзи кишилар ўта синчков бўлишади. Улар атрофдаги воқеаҳодисаларни, кишиларнинг хулқ-атворини, табиатнинг кўпчилик илғай олмайдиган нозик томонларини яхшироқ ҳис қила оладилар.

Бу—аксарият ижодкорларга хос хусусиятдир. Ижодкорнинг кузатувчанлиги, ўқувчи ёдида ўрнашиб қоладиган, оригинал деталлардан ўринли фойдалана олиши у яратган асарга жон бағишлайди, ҳаётийлик бахш этади.

Бу хусусият ҳар бир ҳаваскорнинг дастлабки машқларидаёқ кўзга ташланса яна ҳам яхши.

Редакциямизга келган ҳаваскорларнинг ҳикояларини олиб қарайлик. Уларнинг кўпчилигида, ҳаваскорлар, асосан, шахсий кечинмаларини, илк севгилари туфайли чеккан оҳ-воҳларини баён қилиши устун бўлса-да, баъзан киши юрагига жиз этиб тегадиган, кишини ҳаяжонга соладиган ўринлар, хулосалар ҳам учрайди.

Шу ўринда тошкентлик Ш. Ҳошимовнинг «Яроқлар шитирлайди» сарлавҳали ҳикоясини олиб кўрайлик.

Ҳикоя қаҳрамони (автор) институтни тугатиб, ҳамкасблари, **қишлоқда ўтказган «уч ойлик практика жонингга тегмадими?»** дейишларига қарамай, йўлланмани шаҳарга эмас, қишлоққа олди.

Нега? Ҳикояни ўқишга мажбурмиз. Ўқир эканмиз, унинг **«уч ойлик практика»** пайтида дилкаш ва меҳрибон Рустам ақанинкида ижарада турганини, унинг қизи Дилфузага кўнгли оғиб қолганининг гувоҳи бўламиз. У йўлда кетар экан ўз ўйлари воситасида ўқувчига мурожаат қилади; **«Бахт сизнинг эмас, сиз бахтнинг этагини ушланг...»** Лекин бахт унга этагини ушлатмайди... Ҳикоядаги сиқиқ, таъсирчан жумлалар, ўринли ташбеҳлар, зўрма-зўракиликнинг йўқлиги ҳикояда айтилмоқчи бўлган мақсаднинг ўқувчига тез англашилишига сабабчи бўлган.

Ҳикояда табиат ҳолатларининг ўринли танлаб олинганлиги, жонли чизилганлиги ҳикоя қаҳрамонининг руҳий кечинмаларини очишга омил бўлган. Қаранг:

«...Сой ўзидаги ойнинг шуъласини ўйноқлаб қаёққадир оқизиб кетмоқчи бўлади, ой эса сувнинг сатҳига танга-танга бўлиб сочилиб кетса ҳам бўйсинмаеди...»

Бундай ўринларни ҳикояда кўплаб учратасиз.

Лекин автор мавзу танлашда жон койитмаган. Чунки севишганлар ўртасида ота-онанинг тўғаноқ бўлиши жуда кўплаб асарларда айтилган гап — сийқаси чиққан мавзу.

Тошкентлик М. Ҳасановнинг «Бир қоп ун», У. Эгамовнинг «Илоним деб...», Ҳ. Каримовнинг «Фарзанд», Э. Эргашевнинг «Жигар касали», фарғоналик В. Валихоновнинг «Қасам» каби ҳикоялари тўғрисида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин.

Энди тошкентлик ҳаваскор Х. Аъзамовнинг «Юрак сирлари» номли ҳикоясидан олинган мана бу парчага эътибор беринг.

Ҳарбий хизматга жўнаётган йигит яъни: **«У Гулсарани (севгилисини) аҳдор бўйида кутди. Гулсара тезда келди. Иккови кўл силкиниб кўришди. Баҳодир нима дейишни билмай турди. Гулсаранинг ўзи гап очди...**

— Мен сизнинг севгингизни оқлай оламанми?— дея олди Гулсара.

— Ҳа, оқлай оласан, сен менинг муҳаббатимга гард юқтирмайсан, бунга менинг ишончим комил,— деди Баҳодир». Ҳикоя шу алфозда ўқувчи меъдасига тегадиган, айқаш-уйқаш жумлалар билан охиригача давом этади. Ҳикоя қаҳрамонлари худди ўргатилган тўтига ўхшайди. Уларнинг кўлидан фақат ваъзхонлик келади, холос...

Бундай ҳикоялар (мабодо ҳикоя дейиш мумкин бўлса!) ўқувчига нима беради ёки қандай янгилик айта олади?

Тошкентлик О. Қорабоевнинг «Ҳайкал», «Пайвандчи қиз», Ҳ. Дурдиевнинг «Гурра», А. Тўраевнинг «Олтин калиш», И. Тўлаковнинг «Вафо», студентлардан Б. Болтаевнинг «Ўқимишли қиз», М. Усмоновнинг «Чучмастава», тожикистонлик Ҳ. Қурбоновнинг «Васлингизга етдим», каби ҳикоялари ва шу каби қатор ҳаваскорларнинг машқлари кўруқ баёнчиликдан, олди-қочди сўзларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб қолган.

Бунинг учун юқорида номлари келтирилган авторлар, жумладан ҳамма ҳаваскорлар ҳам машқлари билан бирга, қандай ёзиш кераклиги ҳақида маслаҳат сўраб мактуб ҳам йўллайдилар.

Маслаҳатни жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан, юлдузларидан, ҳаётдан олиш керак. Классикларимизни қайта-қайта ўқишнинг, уларнинг ўзига хос томонларини пухта ўрганишнинг ўзи бир мактаб бўлиши лозим.

Ижоднинг машаққатли меҳнатини, истеъдод ва кузатувчанлик талаб этишини чуқур ҳис этган, тинмай изланиш — ижодкор бўлиш иштиёқида ёнган ҳар бир кишининг кундалик иши бўлиб қолиши кераклиги ҳамиша ёдида бўлган ҳаваскоргина ўз орзуларини рўёбга чиқариши мумкин.

О. НАҲАНОВ.



Фрунзе ошхоналар трестига қарашли механизациялашган нонвойхона ҳар куни меҳнаткашлар учун тўрт мингта оби-нон ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: механизациялашган нонвойхонада нон ёпиш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

● *Оқшом суҳбатлари*

ДИД-ФАРОСАТ—ФАЗИЛАТ

Кишининг ҳамма нарсасида: кийимида, ахлоқида, хулқ-атворида, ўз фикрини қай тарзда ифодалашида, адабиёт ва санъат соҳасидаги бирор воқеага бўлган муносабатида, уй тутишида унинг диди намоён бўлади.

Кўпинча дурустгина қобилиятга ва турмушда жиддий ниятларга эга бўлса-да, лекин кийиниш ва ахлоқ бобида ҳали етарлича тажриба орттирмаган йигит ёки қизнинг енгилтак дўстлари таъсирига берилиб қолиши сингари ҳоллар ҳамон учраб турибди. Ваҳоланки, уларнинг ана шу дўстлари ўз маданиятлари тўғрисида унча бош қотирмайдилар, бирор ерда юзакигина эшитиб қолган бемаъни ва бизга ёт бўлган дидларини бошқаларга ҳам сингдириш учун ҳаракат қиладилар. Қарабсизки, бунинг оқибатида яхшигина меҳнатсевар қизда қаердандир ҳаддан ташқари шўхчан қилиқлар пайдо бўлиб қолади. Юриш-туриши ҳам тамоман ўзгариб кетади.

Ишда ҳаммага ёқадиган йигитни айтмайсизми, кеч-қурунлари олабайроқ кўйлак кийиб, «тарзан»ча узун сочларини селкиллатиб, аллақайси бир хилват жойда суюк оҳангга муқом қилиб, жазаваси тутиб рақс тушаётганини кўрамиз. Тишларини ғижирлатиб айтган шармандали сўзларидан, агар жони бўлса, тошларнинг ҳам иситмаси чиқиб кетарди.

Бироқ ростгўй ва самимий, ўзига нисбатан талабчан бўлган киши ўз қадр-қимматини йўқотиб қўймайди. У кийинишда, ўзини тутишида, ташқи кўринишида шундай бўлиши керакки, унинг бутун қиёфаси ва ахлоқида ҳеч қандай ясамалик, сохталик ва ўзида йўқ нарсаларга бино қўйганлигини кўрсатувчи бирор аломат кўзга ташланиб турмасин.

Баъзи ёшларимизда намоён бўладиган ёмон дидлардан бири ҳаммадан аввал «ўз эътиборини ортгириш»га интилиш, ўз дўстлари ва ўртоқлари ўртасида ажралиб туришга ҳаракат қилиш, ўзининг асл қиёфасидан кўра бошқачароқ бўлиб кўринишга интилишдир.

Яхши дид — тўғри, ҳаққоний бўлади. У ҳар қандай кишини сўзда ҳам, ишда ҳам ростгўй бўлишига, усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсаларга эмас, балки чинакам ажойиб нарсаларга ҳавас қилишга, ҳар қандай қалбакилик ва ясамаликдан нафратланишга даъват этади. Ишёқмас ва дангасалар эса яхши китобга кизиқиш, мазмунли пьесани ва расмлар виставкасини томоша қилиш ўрнига, бир амаллаб, зоҳиран маданий бўлиб кўринишга интиладилар ва бунинг учун ҳар қандай воситалардан қайтмайдилар. Шунинг учун ярамас дидли кишилар ўз ички қоронғуликларини ташқи ялтироқлик билан яширмоқчи бўладилар. Ўз дидига эга бўлмаслик кишини бошқаларнинг фикрига рашк билан қулоқ солишга, маъносиз, ясама ҳашаматларга очкўзлик билан, баъзан шошилинч равишда пала-партиш эргашишга мажбур этади.

Пасткашлик — бу ярамас дидининг энг хунук кўринишларидан бири. У, одамнинг ўз ташқи хулқ-атворининг баъзи қимматсиз элементларини, бошқалар билан муомаладаги одатларини, ўз ҳиссиётлари ва ҳаётга муносабати соҳасига беихтиёр кўчирган пайтида намоён бўлади ва ўрнашиб қолади Яхши фикр юритадиган ва тўғри ҳиссиётларга эга бўлган киши пасткашликка тоқат қилолмайди.

Дид-фаросат маданияти деярли ҳамиша одамнинг умумий маданияти билан, унинг ҳаётидаги барча воқеаларга нисбатан амал қилишга одатланган асосий қоидалари билан чамбарчас боғлангандир. Пасткаш — бу одатда дид маданиятининг тубанлигидан, кишининг ички руҳий дунёсида нопок ярамаслик борлигидан далолат беради.

Ярамас, нотўғри ва пасткаш дид кишида бошқаларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлишни, турмуш кечиришнинг ярамас усулини келтириб чиқаради. Киши фақат енгил қувончларга, майда туйғуларга, енгилтак фикрларга берилиш, севимли музикани тушунмаслик, маданиятнинг ҳамма соҳаларида қимматсиз нарсалар билан қаноатланишга одатланиш йўли билан ўзини-ўзи қашшоқлантиради. Дидсизликнинг асосий зарари шундаки, у одамнинг дунёни сезишга ҳам таъсир этади. дид соҳасидан ҳаётий ахлоқ соҳасига ҳам ўтади.

Уй-жойнинг шинам жиҳозланиши бизнинг тушунчамизга жавоб бера оладиган нормал ҳаёт учун муҳим шарт-шароитдир... Шунинг учун ҳар бир киши уйни қандай қилиб шинам жиҳозлаш мумкинлиги тўғрисида бош қотириши керак.

Жиддий ва тўғри дидни боланинг ёш чоғидан сингдира бориш мумкин ва лозим. Тўғри дидли бўлиб туғилиш кам учрайди. Дид йиллар давомида шаклланади, тўғриланади, мустаҳкамланади ва ривожланади.

Одатда, юқори маданиятли кишининг диди ҳам юқори бўлади. Бу мутлақо табиийдир. Турмушга жиддий кўз билан қарайдиган, маданиятнинг ҳар қандай кўринишларини эгаллашга интиладиган киши фанга, адабиётга ва санъатга нисбатан жиддий дидга эга бўлиши лозим.

Юксак дид талабчандир. У кишини ўстиради, турмушда ҳақиқатни ва ҳақиқий гўзалликни кўриқлашга ёрдам беради. Табиатдаги ҳақиқий гўзалликларни ва ҳаётнинг ташқи томонларини билиб олган киши одамларнинг муносабатларидаги гўзалликни ҳам фаҳмлай бошлайди, ярамас нопок ишларни, разилликларнинг устини юзаки ва сохта гўзаллик билан яширувчи ясамаликларни рад этишга одатланади.

И. АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ижтимоий фанлар бўйича фалсафа кафедрасининг аспиранти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

Чехословакия химиясининг истиқболлари

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия химия саноати марказининг бош секретари Я. Голчик ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: келаси йили социалистик Чехословакия химия саноатининг маҳсулот ишлаб чиқариши 7-10 процент кўпаяди. Шу беш йиллик химия саноатининг кўпгина янги қурилишлари бу йил дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлади. Гуменна шаҳридаги «Хемлон-3» полиамид толаси ишлаб чиқарувчи катта комбинат ва Дусла-шала билан Ўрксадаги хлоропрен каучук ишлаб чиқарувчи икки химия заводи биринчи навбатда шулар жумласидандир.

Чехословакия партия-давлат делегациясининг яқинда Москвада бўлиб ўтган музокаралари, деди Я. Голчик, химия саноатимизни янада ривожлантиришга янги истиқболлар очди. Келгуси беш йилликда химия корхоналари оладиган совет нефтининг кўпайтирилиши Чехословакия химия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришдан ташқари, унинг структурасида хийлагина сифат ўзгаришлари ўтказишга ҳам имкон беради.

КХДР станоксозларининг муваффақиятлари

ПХЕНЬЯН (ТАСС). Хичон шаҳридаги станоксозлик заводининг коллективи ватан станоксозлигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Такомиллаштирилган розба пардозловчи станок «Хичон-4» билан автомат иш цикли вертикал фрезер станоги энг сўнгги янгиликлардандир.

В. И. ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ХЕЛЬСИНКИ, (ТАСС мухбирлари П. Косов билан К. Крелл хабар берадилар:

«Финляндия — Совет Иттифоқи» жамиятининг ташаббуси билан бу ерда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўрувчи комитет тузилди.

Комитетга Финляндия маориф министрлигининг, касаба союзларининг ва мамлакатдаги барча сиёсий партияларнинг вакиллари киритилди.

«Финляндияда,— деди «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамиятининг бош секретари Т. Карвонен ТАСС мухбирларига, — кўпгина ташкилотлар В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Комитет ана шу ташкилотлар ўтказаётган тадбирларни мувофиқлаштириб туриш учун тузилди». «Чунки биз, финлар учун В. И. Ленин, айниқса азиздир,— деди Т. Карвонен.— У бизнинг мамлакатимизга 20 мартадан ортиқ келган. Финляндиянинг давлат мустақиллигини олиш В. И. Ленининг номи билан боғлиқ».



Бу оригинал қурилма барча мамлакатлардаги вақтни кўрсатувчи соатдир. У ГДР пойтахтининг Александрплац майдонига ўрнатилган.

Г. Соловьёв фотоси.

Мудҳиш манзара

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Америка Қўшма Штатларида гиёхвандлик шу қадар кенг тус олдики, президент Р. Никсон шу проблема хусусида махсус нутқ сўзлашга мажбур бўлди. Никсон губернаторлар конференциясида сўзга чиқиб, «мамлакатимизда мавжуд бўлган жуда кўп проблемалар ёнига яна бир гиёхвандлик проблемаси ҳам қўшилди» деб тан олди. Миллион-миллион америкаликларнинг гиёхвандликка хаддан ташқари ружу қилиши «аҳолининг ҳамма қатламларига таалуқли бўлган чинакам миллий проблема» бўлиб қолди, деди президент.

Уз нутқида Никсон гиёхвандликнинг таҳликали миқёсда кучайиб кетганлигидан дарак берувчи мудҳиш статистика маълумотларини айтиб берди. Жуда камайтириб қилинган ҳисобларга қараганда, деди у, 8 миллиондан ортиқ америкалик наша чекади, салкам 180 минг киши героин истеъмол қилиш оқибатида тузалмас дардларга мубтало бўлган. Ана шунинг оқибатида Нью-Йоркда атиги бир ҳафта мобайнида 100 минг киши нобуд бўлмоқда, деб таъкидлади Никсон.

Вашингтонда қилинаётган жиноятларнинг тахминан ярмиси гиёхвандлик таъсирида содир бўлаётганлигини Никсон айтиб ўтди.

АҚШ президенти «ёшларнинг сиҳат-саломатлигини маҳв қилаётган гиёхвандликка қарши курашмоқ учун миллий масъулиятимизни англаб олайлик» деб даъват қилди. Лекин у кўп жиҳатдан социал сабаблар таъсирида кучайиб бораётган гиёхвандликка қарши курашмоқ учун бирор бир таъсирли воситани таклиф қила олмади. Президент америкаликлар орасида «хатарли касалликнинг олдини олиш соҳасидаги оқартув ишларини кучайтиришга даъват қилиш билангина чекланди.

ФАЛАСТИН ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

БАЙРУТ, (ТАСС). Араб ватанпарварлари Исроил босқинчиларига қарши актив жанговар ҳаракат қилмоқдалар.

Фаластин бирлашган қўмондонлигининг Ливан пойтахтида эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: «Фатх» партизан отрядлари 2 декабрда Тель-диаб районидаги Исроил ҳарбий лагерига ва Тал Абу Сус районидаги мустаҳкамланган пунктига ҳужум қилганлар. Партизанлар шу вақтнинг ўзида Байт Юсуф (Иордан дарёси — водийсининг шимолий қисми) районидаги Исроил ҳарбий лагерини тўплардан ўққа тутганлар.

«Фатх» отрядлари худди шу куни Иордан дарёси водийсининг шимолидаги Ярдин ва Байт Юсуфда жойлашган Исроилнинг иккита ҳарбий бўлинмасига ҳам ҳужум қилганлар. Ана шу операциялар натижасида душманнинг аскар ва техникасига катта талафот етказилди.

Баёнотда яна бундай дейилади: Юқорида кўрсатиб ўтилган операцияларда қатнашган партизанларнинг ҳаммаси ўз базаларига эсон-омон қайтиб келдилар.



Америка интервентлари бир неча ойдан бери Вьетнам ерларини бомбардимон қилишяпти, қишлоқларни, йўлларни, кўприкларни, маданий ёдгорликларни хонавайрон қилишмоқда.

СУРАТДА: Америка самолётлари ВДРнинг демилитаризация қилинган зонаси устидан ўтаётган пайти акс эттирилган.

Г. Шчербаков фотоси.

МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

БЕРЛИН, (ТАСС). Германия Демократик Республикаси халқ палатасининг саноат, қурилиш ва транспорт масалалари комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида халқ хўжалиги плани тўғрисидаги ва 1970 йил давлат бюджети плани тўғрисидаги қонунларининг лойиҳалари муҳокама қилинди, деб хабар беради «Нойес дойчланд» газетаси.

Германия Демократик Республикасида 1970 йил халқ хўжалигини ривожлантириш планларини амалга ошириш пайтида социализм иқтисодий системасини янада амалга ошириш методлари тўғрисида масала комиссия мажлисининг диққат марказида бўлди. Мажлис қатнашчилари ўз сўзларида куч-ғайратни меҳнат унумдорлигини анча ўстиришга ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг янада юксак даражада бўлишига эришиш учун қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ва рационализациялашни г муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланди.



Америка Қўшма Штатларида Вьетнамдаги урушга қарши намойишлар тўлқини кун сайин кучайиб боряпти.

СУРАТДА: бир группа ёшлар Вашингтондаги Оқ уй олдида. Қўшма Штатларнинг Вьетнамда олиб бораётган урушига чек қўйилишини талаб қилаётирлар.

Б. Ярочевский фотоси.

МЕҲНАТ БИЛАН КАПИТАЛ КУРАШИ

РИМ

Мамлакатнинг катта саноат марказларидан Италия пойтахтига келган 50 мингдан кўпроқ машинасоз ишчилар бу ерда оммавий митинг ўтказишди. Ишчилар хўжайинлардан янги коллектив шартномани имзолашни талаб қилишди. Улар бу шартнома иш ҳақини оширишни гарантиялаш ҳамда иш ҳафтасини қисқартиришни ва корхоналарда касаба союзлар эркинлигини кенгайтиришни кўзда тутиши лозим демоқдалар.

Бир миллиондан кўпроқ италян металлистлари бошлаган кураш уч ойдан кўпроқ вақтдан бери давом этмоқда. Миланда, Суренда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида катта-катта забастовкалар бўлиб ўтди. Энди 50 минг ишчи ўзларининг талабларига ҳукуматнинг эътиборини жалб қилмоқ ва шу талабларни ҳал қилиб олиш учун Римга келишди. Уларнинг йўл ҳаражатига меҳнаткашларнинг ўзи пул тўплаб сарфлади.

БУЭНОС-АЙРЕС

Аргентинанинг Баия — Бланка шаҳрида темир йўлчилар ва ўртоқларининг ғайри қонуний равишда ишдан бўшатилганига қарши норозилик билдирди. Улар турмуш ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилиб, 10 ноябрдан бери забастовка қилмоқдалар. Забастовкани йўллаб турувчи махфий комиссия аъзолари қамоққа олинди.

Ҳукумат вилоятидаги «Лос калос» тўқимачилик фабрикасининг меҳнаткашлари ғайри қонуний равишда ишдан бўшатилган олти ишчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, қаттиқ курашмоқдалар. Улар забастовка бошлаганига бир ойдан ошиб кетди.

Шу вилоятнинг ўзида ўқитувчилар 24 соатлик забастовка ўтказишди.

МЕТАЛЛДАН ҚУРИЛГАН ҚАВАТЛАР

БЕРЛИН. (АПН— Панорама, ГДР). ГДРнинг қурилиш индустриясида енгил металл конструкциялар жорий қилинаяпти. Улардан йиғма-темир бетонлар билан бир қаторда фойдаланилади. Тажриба шуни кўрсатдики, янги методнинг афзалликлари биринчи навбатда бир қаватли уйлар қурилганда сезилаяпти. Келаси йилда бундай бинолар бир неча миллион квадрат метр майдонда қурилади.

Янги технологияни жорий қилиш катта тайёргарлик ишларини талаб қилди. Лейпцигда йирик корхона ва тўртта илмий текшириш муассасасидан иборат ихтисослаштирилган бир ташкари марказий илмий текшириш комплекси яратилди. Унинг вазифаси дунёдаги қурилиш ишларида бўлаётган ўзгаришларни кузатиб бориш, фойдаланилаётган материалларга, конструкция ва технология жараёнларига баҳо беришда янги мезонлар ишлаб чиқишдан иборат.

Янги қурилиш методини ривожлантиришда ГДР билан СССР ўртасидаги кооперациянинг планли равишда такомиллаштириш ва кенгайтириш муҳим роль ўйнайди.

ҚИДИРИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

1969 йилнинг январида Москвадаги А. С. Пушкин музейида «Номаълум кишиларнинг суратлари» деб номланган галати кўргазма очилди. Унга Пушкин даврида яшаб ўтган, лекин кимлиги номаълум бўлган 70 дан кўпроқ кишининг сурати қўйилган.

Музей ходимлари музейнинг қизиқарли қидириш ишларига мумкин қадар кўпроқ кишиларни жалб этиш орзусида томошабинларга «Суратда ким тасвирланган?», «Сурат автори ким?» сингари саволлар билан мурожаат қилдилар.

Суратлардаги бу номаълум кишилар ким ахир? Улуғ шоирнинг дўстларими, душманларими ёки фақат замондошларигинами? Минглаб москвaликлар ва пойтахтга келган меҳмонлар бу музейда бўлиб кўп нарсаларни аниқлашда ёрдам бердилар. Ҳозирданоқ 300 дан кўпроқ ёзма мулоҳаза бор. Телеэшиттиришдан кейин хатлар келиши кўпайди. Бу эшиттиришни совет адабиётшуноси, филология фанлари доктори Ираклий Андроников кўргазма залларидан туриб олиб борган эди.

Музейнинг октябрь ойида бўлиб ўтган илмий совети кўргазма ишининг биринчи якунларини тўплади. Кўпгина маълумот тасдиқланди (Е. А. ва С. А. Баратинскийлар, Н. А. Дурова ва бошқаларнинг суратлари). Кўп арбобларнинг кимлиги, энг муҳими илгари номаълум бўлган олти кишининг сурати аниқланди.

Лев Николаевич Толстой музейининг ходимлари кўргазма ишининг биринчи кунларидаёқ бошига упа суркалган, ясама соч киёган, XVIII аср ҳарбий кийимдаги чиройли йигит суратида Лев Толстойнинг бувaси Николай Болконский тасвирланганлигини билиб олдилар. Романчи «Уруш ва тинчлик» асарига ўз бувасини кекса князь Болконский номи билан киритган эди. Бу сурат ҳозир Ясная Полянада сақланаётган оригиналнинг автор томонидан тақрор ишланган нусхасидир эҳтимол.

Кичкина миниатюрада юз тузилиши шарқликларга ўхшаш бўлган офицер тасвирланган. Иконограф Мария Барановская бу суратдан А. К. Толстой билан бирга «Козьма Пруткова» тахаллуси билан ҳажвий шеърлар ёзиб юрган ака-ука Жемчужниковларнинг отаси М.Жемчужниковни таниб олди. Пушкин Петербургнинг граждан губернатори Жемчужников билан умрининг охирги йилларида 1835—1836 йилларда саройга келиб туришга мажбур бўлган вақтларда учрашиб турган бўлса керак.

Яна бир янгилик... Телеэшиттиришлардан сўнг иккинчи ... музейига Маргарита Амчиславская келди. У 74 сонли суратда яқин таниши, Петербург-Москва темир йўлининг қурувчиси Николай Васильевнинг буваси тасвирланганини айтди. Сурат монограмма билан «АВ» 1839 деб имзоланган. Шундан кейинги қидиришлар Васильевнинг ҳақиқатан ҳам 1839 йилда полковник бўлиб хизмат қилгани, Муқаддас Анна орденига эга бўлгани аниқланди. Бу нарса суратдаги тасвирга мувофиқ келади. Суратнинг укаси расмом Алексей Васильев томонидан чизилган.

Кўпгина томошабинлар диққатини романтик табиат манзараси ичида турган қизил салла, қадди қомати келишган ёелнн тасвирлаган акварель ўзига жалб этди. Баъзилар уни Жорж Санд, бошқалари Де Стал, учинчи бир хиллари Элиза Хитрова дейишди. Ниҳоят бу сирли аёлнинг декабристлардан бирининг амакисини қизи, талантли музикачи ва ашулачи Екатерина Лунина эканлиги маълум бўлди. У узоқ вақт Италияда яшаган ва ашулачи, музикачи, шоир ва таржимон граф Ричига эрга теккан. Граф Ричи Пушкин билан ёзишиб турган, унинг шеърларини итальян тилига таржима қилган. Пушкин Ричилар оиласи билан 1826 йилда Зинанда Болконскаяникида бўлган кечада танишган эди.

1812 йилдаги уруш қатнашчилари ака-ука Тарасовларни тасвирлаган литография, Варвара Шнейдернинг (унинг қиз вақтидаги фамилияси Пазухина) эри билан бирга олдирган сурати аниқланди.

Қидириш якунларини муҳокама қилишда сўзга чиққан музей илмий советининг аъзолари Ираклий Андроников, Соломон Бойм, Татьяна Цявловская ва бошқалар кўргазманинг катта илмий ва ижтимоий аҳамиятини қайд қилдилар ҳамда унинг ишлаш муддатини узайтиришни тавсия этдилар. «Номаълум кишиларнинг суратлари» кўргазмаси янги томошабинларни кутмоқда. Музей қидиришлари давом этяпти.

Галина КУРОЧКИНА,
А. Пушкин музейи старший илмий ходими.
АПН.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

✦Перудаги Ла Конвенсон водийсига йирик чумолилар ёпирилди. Бу очофат чумоли тўдалари кўшни Лорес водийсидаги ҳамма ўсимликни еб қўйдилар ва у ерни қуритиб-секин-аста бошқа жойларга «сафар» қилмоқдалар.

Улар йўлда учраган ҳамма нарсани йўқ қилиб, бир неча минутда-ёқ «қадам етган» ерларни чўлга айлантирмоқда.

✦Италияда макарон кашф этилганининг 750 йиллигини нишонламоқчилар. Макарон кашфиётчиси сицилиялик алхимик экан. Сицилияда унга ҳайкал ўрнатишга қарор қилдилар.

✦Дунёдаги энг катта одам Жон Камулянгнинг бўйи 2 метру 75 сантиметрдир. У африкалик бўлиб, Трансваале (Жанубий Африка Республикаси)да яшайди. Жоннинг бўйи «терак»лигидан велосипед, мотоцикл ва машинада юра олмайди.

Улкан одамнинг бюртмаси бўйича этикдўзлик устахоналари юзнчи размерли ботинка тикиб беришади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ БОҚЧА-ЯСЛИ



Мана бу суратда сиз 320 эркатойга мўлжалланган эксперименталь боқча-яслининг макетини кўриб турибсиз. Унинг лойиҳасини мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, ўрта ва олий ўқув юртларининг типовой эксперименталь лойиҳалари Марказий илмий-текшириш ва лойиҳа институтининг архитекторлари Е. Сеничев, Ю. Шаронов, инженерлар В. Бреве ва Г. Гофманлар ишлаган.

Янги боқча-ясли аввалгиларига нисбатан кўп жиҳатдан фарқ қилади.

Р. Алфимов фотоси, (АПН).

ФУТБОЛ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

Янгиер шаҳрида «Б» класси Ўрта Осиё зонасининг ғолиби Тошкент трактор заводининг футболчилари Навоий шаҳрининг «Зарафшон» командаси билан учинчи марта учрашдилар. Аввалги икки учрашув қайси команда келаси йили «А» классида ўйнаши кераклигини аниқламаган, биринчи ўйинда «Зарафшон» 3:0 ҳисоби билан, иккинчи ўйинда «Ташавтомаш» 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозонишган эди.

Жавоб учрашувида ҳам тошкентликларнинг қўли баланд келди.

Судьянинг ҳуштаги чалинишн билан ҳужумга ташланган пойтахт футболчилари 4-минутдаёқ муваффақиятга эришдилар. Рамазоновнинг ўнг қанотдан узатиб берган тўпини Билолов усталик билан «Зарафшон» дарвозасига киритди.

Навоийликлар ўтказиб юборилган тўпдан сўнг бироз активлашдилар. Уларнинг ҳужумлари борган сари хавфлироқ бўлиб борди ва ниҳоят 12-минутда жавоб тўпи билан якунланди. Тўпни тошкентликлар дарвозасига Козин киритди. Командалар танаффусга шундай ҳисоб билан чиқишди.

Иккинчи таймнинг 12-минутда С. Стадник учрашув тақдирини ҳал қилган иккинчи тўпни «Зарафшон» дарвозасига киритди.

2:1 ҳисоби билан ғолиб чиққан Тошкент трактор заводининг футболчилари «А» классига йўлланмани қўлга киритишди.

СУРАТДА: «Ташавтомаш» — «Зарафшон» командаларининг учрашув пайти.

Н. Надеждин фотоси.

ХОККЕЙ

МУКОФОТГА — САМОВАР

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР

«Известия» газетасининг 1969 йилги совриниви 60 литрли Тула самоварлари учун Москвада ўтказилган халқаро хоккей мусобақалари ниҳоясига етди.

Кеча

охирги — Чехословакия — Финляндия ва СССР — Швеция учрашувлари ўтказилди. Совет Иттифоқи терма командаси сўнгги учрашувда 6:2 ҳисоби билан ғалаба қозонди ва тўққиз очко тўплаб, турнир ғолиби бўлди.

Ўтган якшанба куни Финляндия хоккейчилари ГДР спортчилари билан Канада хоккейчилари Швеция командаси билан беллашдилар. Биринчи учрашувда финляндияликларнинг қўли баланд келди. Ҳисоб 9:3. Кескин кураш вазиятида ўтган Канада — Швеция учрашувида 5:2 ҳисоби билан канадаликлар ғолиб чиқишди.

Турнирни СССР командаси 9 очко билан, Канада хоккейчилари 7 очко, Чехословакия —6 очко, Швеция — 4 очко, Финляндия ва ГДР командалари 2 тадан очко билан тугатдилар.

Кеча кечқуруи «Известия» газетасининг совринлари топширилди.

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Қўйлиқ бозорн одамлар билан гавжум. Бир қадам олдинга силжиш амри-маҳол. Савдо-сотиқ ишлари авжида. Савдо бошланди дегунча, бозор ўртасида бир аёл пайдо бўлади. Унинг қўлида сўнгги модеда тикилган янги чет эл туфлилари.

— Ўзни олақолинг, опаси,— дейди у аёлларга кўзи мўлтираб, — кечагина бозордан олувдим. Менга кичиклик қилиб қолди!

— Неча пул дейсиз! — сўрайди харидор.

— Ўн бешга олувдим, ўз пулига олаверинг, — дейди у мутомбирлик билан.

Харидор у айтган пулни тўлайди. У эса харидорни алдаганига хурсанд бўлади.

У туфлини сотаётганида атрофга аланглаб туради. Агар милиция ходимларидан бирини кўриб қолса, бир зумда кўён бўлиб қолади.

Бу нотаниш аёл шунчалик тез ҳаракат қилардики, бир зумда қаёқдандир, кимдандир туфлиларни олиб келиб, қўлн-қўлига тегмай пуллайди. Бозор кўни йигирма-ўттизлаб туфлиларни сотади.

Кўза ҳар куни эмас, кунида синади. Кунларнинг бирида Ленин район ОБХСС ходимлари Клавдия Югайни қўлга туширишди. Бироқ тегирмонга тушиб, бутун чиқадиган бу аёл орадан уч-тўрт кун ўтмаёқ бозорда яна савдо қила бошлади...

У 8 сўмлик хотинлар туфлисини 15 сўмдан, 14 сўмлик эркаклар туфлисини 25 сўмдан қўли-қўлига тегмай пулларди.

Бозор тамом бўлгач унинг уйига бордик. Клавдиянинг уйига киришимизданоқ девор тагидаги ахлатларга ўроғлиқ қопчага кўзимиз тушди. Қопчанинг ичини очдик. Ундан 20 жуфт янги аёллар туфлиси чиқди. Клавдиядан туфлилар нега бу ерга ташлаб қўйилганини сўрадик.

— Меники эмас, — деди у кўл силтаб, — бир аёл деворлан ошириб ташлаб кетди. Керак бўлса олиб кетавермайсизларми! — деб ҳўшиб қўйди. У яшаётган хонага қадам қўйдиг-у, ҳангу-манг бўлиб қолдик. Хонадаги шифоньер, холодильник, телевизор ва бошқа нарсаларнинг ҳаммаси яп-янги эди. Шкафни очдик. Ундан ҳам 20 жуфт янги эркаклар туфлиси чиқди. Тўрдаги уйни текширмоқчи бўлдик. Бироқ Клавдия оғзига тўғри келган сўзни айтиб бизни ҳақоратлади!

Тўрдаги уйда бузилмаган ўнлаб яшиклар чиқди. Молхонада янги «Урал» мотоцикли ва яна саноқсиз яшикларда туфлилар бор эди. 282 жуфт янги туфли, «Урал» мотоцикли Клавдия Югайники эди...

Мугомбир чайқовчи Клавдия Югай қўлга тушди. Яқинда Ленин район халқ суди олибсотар ишни кўриб чиқиб, икки йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Дарвоқе, юқорида айтганимиздек, Клавдия Югайга ўхшаган мугомбир чайқовчилар Қўйлиқ бозорида ҳамон бор.

Уйлаймизки, Қўйлиқ бозорида ҳам савдо-сотиқ ишлари тўғри йўлга қўйилади. Чайқовчиларга йўл қўйилмайди. Бунда жамоатчилик, дружина ходимлари яқиндан ёрдам беришлари керак. Қўлга тушган чайқовчилар эса шафқатсиз жазоланади.

А. РАСУЛЕВ,
В. ЮГАЙ,
шаҳар ички ишлар бошқармасининг ходимлари,
Р. ХЎЖАМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

9 Декабрь
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Келажак ҳосилини ўйлаб» (русча).
18.10 О. Ҳалимов. Товуш ва оркестр учун поэма.
18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).
19.40 Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти.
20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси.
21.00 «Ленинном» программаси (русча).
21.30 Пахтакорлар учун концерт.
22.20 Оқшом куйлари.
22.40 И. Ғафуров. «Сахий шеърият» (ўзбекча).
23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. М. Шолохов. «Очилган қўриқ» романидан боб (ўзбекча).
19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча).
20.00 Дала меҳнаткашлари учун концерт.
20.30 Қорақалпоқ куйлари.
21.00 Г. Мусрепов. «Онанзор» ҳикояси (ўзбекча).
21.40 Москва. Миллионлар ленинча университети.

10 Декабрь
ЧОРШАНБА

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР РАДИОФЕСТИВАЛИ
ҚОЗОҒИСТОН ССР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт.
8.25 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари.
9.30 И. Тулибаев. «Қозоғистон» симфоник поэмаси.
9.50 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (тожикча).
10.10 Социалистик мамлакатлар композиторларининг қўшиқлари.
11.15 «Менинг тақдирим». Қозоғистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
11.30 СССР халқ артисти Е. Серкебаев концерти.
13.30 Замонавий рус қўшиқлари ва куйлари.
15.15 Қурмонғози номидаги Қозоғистон ССР Давлат халқ чолғу оркестри ҳақида суҳбатли концерт.
16.10 «Куба революцион куйлари» деган суҳбатли концерт (ўзбекча).
16.50 «Правда» газетасининг обзори.
18.00 «Янги давр кишилари». «Тиниб-тинчимас киши» деган эшиттириш (ўзбекча).
18.10 Н. Карницкая. «Жонажон Осетия» симфоник поэмаси.
18.40 Спорт эшиттириши (русча).
19.20 «СССР халқ артисти К. Байсентова куйлайди». Қозоғистон радиосининг эшиттириши.
20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали.
20.30 Саноат ходимлари учун концерт.
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).
21.10 Пахтакорлар учун концерт.
22.20 Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун эшиттириш ва концерт (русча).
22.40 Шеърият кечаси (ўзбекча).
23.15 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ТЕЛЕВИЗОР

9 Декабрь
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. 18.15 Кичкинтойлар учун эртаклар. 18.45 «Ильич орзуси амалда». Гидропроект институтидан репортаж. 19.05 Ўзбек кино тарихидан. Эргаш Ҳамроев. 20.05 Кўрсатувлар программаси

Ўзбек тилида: 20.10 Телевизион янгиликлар. 20.25 «Ўзбекистон чорвадорлари» программаси. 21.05 КИНОЛЕНИННОМА. «Россия яқинида». 21.30 «БЎСТОН» тележурнали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ
ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.30 10-синф ўқувчилари учун биологиядан. «Одам эволюциясининг босқичлари ва факторлари». 19.00 10-синф ўқувчилари учун адабиётдан. Ҳамид Олимжон «Жангчи Турсун».

Рус тилида: 19.35 8—9 синфлар учун физикадан. «Марказдан қочма механизмлар». Ўқув фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Қишлоқ саҳнасида. 21.00 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Ажойиб нарвон». 21.30 Миллионлар ленинча университети. Илмий коммунизмнинг актуал масалалари. «Жаҳон социализм системаси — антиимпериалистик курашда ҳал қилувчи куч». 22.00 Интервидение. Бир саҳнали балетлар кечаси. Танаффус вақтида «Вақт» информацион программаси. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

10 Декабрь
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Рус тилида телевизион янгиликлар

Ўзбек тилида: 18.10 Болалар учун республика кўғирчоқ театрининг «Алижон ва Валижон» спектакли кўрсатилади. 18.45 Миллионлар ленинча университети. 19.00 «Иккинчи истеъдод» Самарқанд медицина институти бадиий ҳаваскорларининг концерти. 19.40 Телевизион янгиликлар

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Классик куйлардан концерт. 21.00 Ўқувчилар учун В. И. Ленин сафдошлари Г. И. Петровский 21.30 «Замонамизнинг ақли, виждони ва шаъни». 22.00 «Сизга минг марка совға қилишга ижозат беринг». Телеспектакль премьераси. 23.00 Эфирда «Молодость», «Байроқлар кўтарилганда». 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси (эрталаб соат 11 да).

Рус тилида: 18.00 Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.10 «Моҳир халқ усталари». 18.30 Киносаёҳатчилар альманахи. 18.50 «Ўзбек ички милицияси» 19.30 Эстрада концерти. 20.10 Кўрсатувлар программаси ва реклама. 20.20 «Замандас» программаси (қозоқ тилида).

Ўзбек тилида: 21.00 Куйларимиз ва ўйларимиз. 21.40 «Портдаги саёҳат». Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 10 XII да Риголетто.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9| XII да Бўрон қуши 10| XII да Аяжонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10 XII да Фарғона тонг отгунча.

Кино

9 ДЕКАБРДА

Қизлар монастири — «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ВОСТОК» (кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).

Эски таниш — «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

10 ДЕКАБРДА

Винету — апачлар йўлбошчиси — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 6.45, 8 ярим ва 10 да).

Қизлар монастири — «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва 3 да).

Бадавлат хоним ҳузурида — «ЎЗБЕКИСТОН», »КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 да).

Эски ошна — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Каджана — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

19 декабрь эрталаб соат 11 да, Тошкент Политехника институтининг механика ва самолёт қуриш факультетлари совети кенгаши (Навоий кўчаси 13-уй)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Н. Ҳошимов; «Мойловчи-совутувчи суюқликлар, магнитлаш ва кирқиш зонасидан термотоклар ўтказиш чоғида кирқувчи асбобнинг олдинги бурчагининг унинг мустаҳкамлигига таъсири» деган темада;

Б. К. Никулин; «Автомобиль ва тракторларни пахтачилик соҳасида, транспорт ишларида қўллаш шароитларини текшириш» деган темада;

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй)да танишиш мумкин.

19 декабрь кундуз соат 2.30 да, Тошкент Политехника институтининг архитектура ва қурилиш факультетлари кенгаши (Я. Колас кўчаси, 16-уй)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

З. А. Ашурматов; «Тошкент атрофидаги районларнинг кўп сувкадиган ерларида ирригация каналларини ва қурилмаларини қуриш» деган темада;

Диссертация билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй)да танишиш мумкин.

А. НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

мактаб ўқувчилари учун каникул кунларида бўладиган спектаклларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

КУНДУЗ	КЕЧҚУРУН
28 декабрь — ДОКТОР АЙБОЛИТ,	МАРВАРИД ИЗЛОВЧИЛАР.
29 декабрь — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН,	ОҚҚУШ ҚУЛИ.
30 декабрь — ЭТИК КИЙГАН МУШУК,	РИГОЛЕТТО.
31 декабрь — СЕМУРГ,	МАСХАРАБОЗЛАР ВА КОНЦЕРТ БЎЛИМИ.
1 январь — ЯНГИ ЙИЛ КОНЦЕРТИ	(кундуз ва кечқурун).
2 январь — ДОКТОР АЙБОЛИТ,	СЕВИЛИЯ САРТОРОШИ.
3 январь — УЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК,	ТРУБАДУР.
4 январь — ОЛТИН КАЛИТЧА,	
5 январь — СЕВИЛЬЯ САРТОРОШИ,	СЕВГИ ТУМОРИ.
6 январь — СЕВГИ ТУМОРИ,	ЧИО-ЧИО-САН.
7 январь — СПАРТАК,	ТРАВИАТА.
8 январь — ЭТИК КИЙГАН МУШУК,	ТУЯ КУНИДА.
9 январь — ОҚҚУШ ҚУЛИ,	МАСХАРАБОЗЛАР ВА КОНЦЕРТ БЎЛИМИ.
10 январь — УЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК,	УН ИККИНЧИ ТУН.
11 январь — СПАРТАК,	ШОИР ҚАЛБИ.

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар 7 да бошланади.

Коллектив бўлиб келишга заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 9 ДЕКАБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64579. НАШР 2922. Р. 03605.